

# АБУ УСМОН- ЖОҲИЗ ВА УБАЙДИЙНИНГ ИЛМИЙ МЪРОСЛАРИ

*O'zbekiston Davlat Jahon tillar*

*universiteti* Таржима назарияси

ва амалиёти кафедраси ф.ф.н.доц

Абдуллаев Мухаммад Ҳамзаевич

## Аннотация

Ушбу мақолада X асрнинг иккинчи ярими ва XI аср бошларида аббосийлар даврида яшаб ижод этган шоир, файласуф ва фақих Амр ибн Баҳр ал Басрий Жоҳиз ва ўзбек ижодкорлар ҳақида фикр юритилган. Ҳусусан, Жоҳизнинг аббосийлар билан бўлган муносабати тарихий манбалар асосида очиб берилган.

## Аннотация

В этой статье упоминается поэт, философ Ал Жахиз, живший во второй половине X и начале XI века во времена аббасидов. В нем на основе исторических источников раскрыты отношения Жахиз с аббасидами.

## Abstract

This article mentions the poet, historian Al Jahiz, who lived in the second half of the 10th and early 11th centuries during the Abbasy. Based on historical sources, it reveals the relationship of Al Jahiz with the Abbasy.

**Калит сўзлар:** Ал Жоҳиз, аббосийлар, Бағдод, Ироқ, Ал Масъуди, Мубаррид, ибн Ҳалдун, ибн Кутайба, Ватвот, Ал Хаявон, тарих, шоир, Абул Ҳасан Ахваш, Лугатнома, Фазоилул атрок, Убайдий, Адабул котиб.

**Ключевые слова:** ал Жахиз, аббасийды, Бағдад, Ирақ, ал Масъуди, Мубаррид, ибн Ҳалдун, ибн Кутайба, Ватвот, ал Хаявон, историк, поэт, Абу-л Ҳасан Ахваш, Лугат-наме, Фазоил-ул атрок, Убайди, Адабу-л котиб.

**Key words:** al Johiz, abbosiyalar, Bagdad, Irak, al Mas'udi, Mubarrid, ibn Haldun, ibn Qutayba, Vatvot, al khayavon, historian, poet, Abul Xasan Akhvash, Lugatnome, Fazoilul atrok, Ubaydi, Adabul kotib.

Ислом миллати тарихида фақат давлат ва салтанат бошлиғи эмас, фақих, шоир, олим, илм-маданият ҳомийси ўлароқ ўчмас из қолдирган Шарқнинг буюк фарзандлари кўп бўлган. Тарихдан маълумки, биринчи ўйғониш даври ва иккинчи ўйғониш даври ҳам Шарқда бўлганлиги инкор этиб бўлмайдиган хақиқат.

Убайдий:

Ҳақ неъматин тўё ебон ,тўғри юринг,  
Эранлардек кўринғондин маъни сўринг.  
Маъни олиб, маънили эл била юриб,  
Маънисизлиғ хирманиға ўтлар урунг...<sup>1</sup>

Ха, шарқликлар, шоир таъкидлаганидек, соҳиби маъни бўлишган, инсониятга “маънили эл” меърос қолдирган элdir. VIII асрнинг биринчи ярими (750 м.иил) араб диёрларида ҳокимият умавийлардан аббосийларга ўтгандан сўнг, янги ҳокимият Ироқдаги Бағдод шаҳрини ўзларига давлат маркази қилиб танлайдилар. Бағдод, Басра ва Куфа шаҳарларида маданий ҳаёт анча кенг миқёсда ривож топа бошлади. Фан ва маданиятнинг барча соҳаларида жонланиш юз бераб, илму фанга бўлган бундай эътибор бошқа ўлкалардаги олимлар диққатини ўзига тортди. Уларнинг кўплари Ироқнинг Бағдод ва Басра шаҳарларига йўл ола бошладилар. Бунда, айниқса, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, араб тилшунослиги, таржимашунослик, араб адабий тили ва шеъриятининг гуллаб-яшнашига бўлган эътибор ҳарактерли эди. Араб шеърияти билан даврнинг илму маърифат намояндадаридан Абдулмалик ибн Кориб ибн Алий ибн Асмаъ – Асмаъий (760 – 821 м.и., 122 – 216 ҳ.и.) ва ахли илм ҳомийси-халифа Ҳорун ар-Рашид ўз атрофларида илму фаннинг барча соҳа мутахассисларини бирлаштирган. Бу шуни кўрсатадики, маданий ҳаётда Қуръон, ҳадис, фиқҳ ва шеърият ғоят муҳим ўрин тутар, адабий ҳаётда турли ижтимоий гуруҳ вакиллари қатнашар, ҳатто, ҳалифа ҳам ўша мажлисга мухлис сифатида қатнашганлиги тарихий манбаларда зикр этилган.<sup>2</sup> Илм-фан ва

<sup>1</sup> Убайдий, Ҳикматлар, Тошкент-2021. 98-б.

<sup>2</sup> Al-Anbariy.”Mu’jam ul-Adab”. Misr. 2006y.

адабиётнинг мислсиз даражада ривожланиши натижасида тақорланмас араб адабий мероси юзага келди. Бу мерос ҳар жиҳатдан илм-фан гуллаб яшнаган даврнинг ижтимоий маданий ҳарактеридан келиб чиқиб, ўзига хос омилларни ҳам акс эттиради.

Тарихчи Ибн Халдуннинг маълумотига кўра, ўша даврда, яъни Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун замонида илму маърифатнинг равнақ топишига катта эътибор берилган. Бағдод адабий мактабига мансуб бўлган “**ادب الكاتب** Адабул котиб” муаллифи ал-Имом ибн Кутайба<sup>3</sup>; **الكامل** ал-Комил” асари муаллифи ал-Мубаррид<sup>4</sup>; “**البيان و التبيين**” (“ал-Баён ва ат-Табийийн”) асари муаллифи Абу Усмон -Жоҳиз<sup>5</sup> ва “**النواذر**” (“ан-Наводир”) муаллифи, Туркиядаги Диёрбакрда туғилиб ўсган Абу Алий ал-Қолий<sup>6</sup>. Бу тўртта муаллиф ва асрлари ҳақида манбаоарда зикр этилган. Абулҳасан Алий<sup>7</sup> ибн Ҳусан- ал-Масъудий (Саҳобий Абдулло ибн Масъуднинг авлоди.)“**مروج الذهب**” (“Марваж уз-заҳаб”) тазкирасида қуйидагиларни баён этган: ...мутақаддимийн ва мутааххирийн олимлардан Жоҳиздек олимни кўрмадим. У “**مفتاح دخول عالم العرب**” (“араб дунёсига кириш калити”).

Абу Усмон Амр ибн Баҳр – Жоҳиз 160 х.-в. 255 х.й.(782 м.)йилда Басрада камбағал оиласида таваллуд топади. Рашидудин Ватвот “**حدائق السهر في دقائق الشعر**” (“Хадоиқ ус-сехр фий дақоиқишиш-шеър”) асарида, Амр ибн Баҳр пастак бўйли, хунукроқ, хушчақчақ бола бўлганлидан маҳалласидагилар “Жоҳиз” (дўланкўз) деб лақаб қўйишади, лекин оғзидан чиқадиган ҳиқматлар хунуклига соя солиб турарди, деб зикр этади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Амр ибн Баҳрни камситилган лақаб – “жоҳиз” билан илм оламида донг тараттириди. Амр отасидан ёш етим қолади, мадрасада таълим олиш билан бирга пешиндан кейин, яъни тушдан кейин бозорда нон ва гоҳида балиқ сотар ва ундан тушган

<sup>3</sup> Имом ибн Қуттийя.”Адаб ул-котиб”.Миср.1980й.

<sup>4</sup> Ал-Имом аби ал-Аббос мҳаммад бин Язийд Мубаррод.”Китоб ал-Комил”.2007й.

<sup>5</sup> Амр ибн Баҳр ал Басрий Жоҳиз. “Al-Bayaan va al-Tabayyan”.1444y

<sup>6</sup> Аби Али ал-Қоли “ан-Наводир”.Миср.2006й.

<sup>7</sup> Абу Ҳасан Али бин Ҳусайн ас-Саудий.”Муруж аз-Захаб”.1998й.

фойда билан рўзғорлари ўтарди. У бозордами ё қўчадами ҳеч қўлидан китобни қўймасди, ҳатто онаси бир неча марталаб танбех берган. Баъзи заиф ривоятларга кўра, бир куни Жоҳиз ижодхонасидан чиқиб онасига оч қолгани айтади ва ундан овқат бўлса беришини сўрайди. Шунда она усти ёпилган товоқ олиб келиб олдига қўяди ва унга, ол, болам, овқатингга қара, сенга атаб пиширдим дейди. Амр овқат солинган идишни очиб қараса, китоб-дафтар солинган, онасига ҳайратланиб савол назари билан қараганда она болам, сенинг овқатинг энди – шу, уйда ҳечвақо қолмабди дейди. Ўша кунлари у “Ҳайавон” китобини тугатган, халифа унга ўша китобдан бир нусха олиб ҳузурига келишини хабарчилари орқали айтирган эди. Жоҳиз қўлёзмадан бир нусха кўчириб бериш учун сарой котибига берганди. Онанинг бу муомиласидан таъсиrlанган шоир кўчирилган нусхани олиб тўғри халифа ҳузурига боради. Халифа катта китобни қўлига олиб варақлаган бўлади-да, хурсандлигидан шоирга эллик минг динор ҳадя қилади. У катта совға билан уйга, онасининг олдига қайтади. Бундай воқеъалар буюклар ҳаётида учраб турадиган ҳолат.

Шоир Убайдий айтганидек,

Тангридин агар бўлса лутфу иноят,  
Бўлғусидурур борча ишим бот кифоят.

Жоҳизнинг илму маърифатга бўлган муҳаббати унинг кундан кун етук олим сифатида шаклланишига ёрдам беради. У дастлаб маҳалласидаги мадрасада, ундан кейин ўз замонасининг машҳур олимлари Аби Убайда, Абдул малик ибн Қариб-ал-Асмаъий ва Ахвашдан таълим олади. Ўша вақтларда Асмаъий бошчилигига халифа хонадонида илмий мажлислар ўтиб турарди, олимлар сухбати Жоҳиз учун энгроҳатбахш дамлар бўлган.

Жоҳизнинг ҳамма илмда моҳир бўлганлиги асарларида ўз аксини топган. У «кўп ва хўп» асарларида одам ва олам мавзусига қайта-қайта мурожаат қилади. Уларда одоб-ахлоқ, одамлардаги ижобий ва салбий хислат, ҳайвонот оламидаги илохий мўъжизалар шеърий ва насрый услубда баён этилган. Шунинг учун асарлари ҳамма замонларда қадрланиб келинган.

Абу Усмон Жоҳиз 360 га яқин асар ёзган. Аксарияти мӯғуллар босқинида талафот кўрган бўлса ҳам, бир неча қисми бизгача етиб келган. Унинг энг машҳур китобларидан “البيان و التبيين”(”ал-Баён ва ат-табийийн”) асарида балоғату фасоҳат илми, ундаги илми баён қисмлари, ҳадислардаги балоғат ва фасоҳат ҳақида фикр юритилади.

Бу китоб Мисрда (1333 ҳ.й.) шарҳи билан нашр қилинган. (“Китоб ул-ҳайаван”) асари эса 1323 ҳ.й Мисрда “Аттақаддум” нашриётида 7 мужаллад шаклида нашр этилган. Яна бир жуда машҳур бўлган ва бир неча тилларда таржима ҳам қилинган ” رسائل الجاحظ ” (“Расоил ул-Жаҳиз”) асари 11 мужалладли бўлиб, 1323 ҳижрий йилда Мисрда нашр этилган, хар бир жилд бир неча фасллардан ташкил топган. Ушбу қисмлардан бири ”في مناقب الترك و عامة جند الخلافة“ (“Маноқибит-турк ва оммат жундил хилофат”) асари халифанинг туркийлардан бўлган қумондони ва вазири Фатҳ ибн Хоқонга бағишилаб ёзилган. Бу асар 1903 м. йилда инглиз шарқшуноси Фон Флутон томонидан Лондонда нашр этилган бўлиб,<sup>8</sup> бунда туркий аскарларнинг қаҳрамонликлари ва фазилатлари, халифа қўшинларидағи ҳизмати асносидаги фидойиликлари, ундаги туркона олийҳиммат феъл-атворлари баён этилган.

Жоҳизнинг ”فضائل الاتراك“-(“Фазоилул атрок”) рисоласи ҳам Мутаваккил Аббосийнинг вазири Фатҳ ибн Хоқоннинг илтимос ва таклифига кўра ёзилган.<sup>9</sup> Ушбу китоб муқаддимасида: Рисолани буюк ёзувчи Абу Усмон Амр ибн Баҳр – ал-Жоҳиз туркий халқларнинг фазилатлари, қаҳрамонликлари ва олийҳимматликлари, исломий беғубор эътиқодлари батафсил баён этилган(таржима). Асар тўлиғича Миср “Матбаул-умумий” нашриётида 1898 мел.йили нашр этилган.

Унинг ”كتاب المعلمين“ (“Китоб ул-муаллимийн”) асарида устоз-шогирд ва таълим олиш усувлари ҳақида фикр юритилган. Асар Имоми Зарнужийнинг ” تعلیم المتعلیم“ (“Толиби илмнинг таълим олиш одоблари”) асарини эслатади.

<sup>8</sup> Али акбар Деххудо. Лугатнома. 5-ж. 7336-б.

<sup>9</sup> Али акбар Деххудо. Лугатнома, 4-жилд, 7337-б.

Биз Имоми Зарнужий Жохиз асарларини мутолаа қилган ва ундан ўз асарида унумли фойдаланган деган тахминдамиз. Шу сингари Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн”, “Маҳбубул-қулуб”, Убайдийнинг “Ғайратнома”, “Шавқнома”, “Сабрнома” асарлари ҳам мазкур асар таъсирида ёзилгани эҳтимолдан холи эмас. Чунки баён усуслари бир-бирига жуда яқин. Бизгача етиб келган Жохиз асарларидан катта кутубхона соҳиблари Навоий ва Убайдий қўлларида бўлган ва улар ўз ижодларида ундан унумли фойдаланганлар десак, хато бўлмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.** Убайдий,Ҳикматлар, Тошкент-2021.
- 2.** Али акбар Деххудо. Луғатнома. 5-ж.
- 3.** Али акбар Деххудо. Луғатнома, 4-жилд
- 4.** Амр ибн Баҳр ал Басрий Жохиз. “Al-Bayaan va al-Tabayyan”.1444y
- 5.** Al-Anbariy.”Mu‘jam ul-Adab”.Misr.2006y.
- 6.** Абдул малик ибн Қариб-ал-Асмаъий. “Lisan ul-Arob”.Misr. 2017y.
- 7.** Убайдий. Ҳикматлар. Тошкент.2021й.
- 8.** Имом ибн Қуттийя.”Адаб ул-котиб”.Миср.1980й.
- 9.** Ал-Имом аби ал-Аббос мҳаммад бин Язид Мубаррод.”Китоб ал-Комил”.2007й.
- 10.** Аби Али ал-Қоли “ан-Наводир”.Миср.2006й.
- 11.** Абу Ҳасан Али бин Ҳусайн ас-Саудий.”Муруж аз-Захаб.”1998й.